

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИНИ СУГУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

(24 СОАТДА ТҮЛӨВ)

№ 03/08-09-13-16/00 242

Андижон шаҳри

2021 йил «27» 12

“Суғурта фаолияти түғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган 2020 йил 25 декабрдаги №00008 лицензияси асосида фаолият юритувчи ва қуйида “Суғурталовчи” деб аталувчи “TRUST-INSURANCE” масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компанияси номидан 2021 йил“02”февралдаги 04-сон Ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи Суғурталовчининг Андижон вилоят филиали директори З Хурбоева бир томондан ва қуйида «Суғурта қилдирувчи» деб аталувчи Жеке мисалъ ҳамкор қуресмиш шарф номидан низом асосида фаолият юритувчи Ж. Ахсанов иккинчи томон, шунингдек қуйида “Наф олувчи” деб аталувчи «Ягона буюрмачи хизмати» И/К номидан ишончнома асосида фаолият юритувчи учинчи томон бўлиб, биргаликда Томонлар деб аталиб, мазкур Курилиш-монтаж ишларини суғурта қилиш шартномасини (куйида – Шартнома) куйидаги мазмунда туздилар:

1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ, СУГУРТА ОБЪЕКТИ

1.1. Суғурта қилдирувчи Шартномада кўрсатилган миқдор ва муддат(лар)да суғурта мукофотини тўлаши ва сугурталанадиган мол-мулкни мониторинг қилиниши шарти билан Суғурталовчи Шартномада кўрсатилган суғурта ходисаси содир бўлгандан сугурталанган мол-мулкка етган зарарни Шартномада келишилган миқдор ва муддатда тўлиқ ёки қисман қоплаш учун Суғурта қилдирувчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Суғурта обьекти бўлиб Суғурта қилдирувчи ва (ёки) Наф олувчининг сугурталанган мол-мулкнинг асралиши, шу билан бирга учинчи шахслар ҳамда буюртмачи олдида жавобгарлик юзага келиши билан боғлиқ мулкий манфаатлари ҳисобланади.

2-БЎЛИМ. АСОСИЙ АТАМАЛАР

Шартномада қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

2.1. Наф олувчи – сугурталанган мол-мулкнинг асралишида қонун хужжатлари ёки шартномага асосланган мулкий манфаати бўлган ва сугурта товонини олишга ҳакли шахс. Шартномада Наф олувчи бўлиб Суғурта қилдирувчи тайинлаган шахс ёки қурилиш ишларини молиялаштираётган банк ёки ташкилот иштирок этиши мумкин.

2.2. Мониторинг – Шартнома тузилишидан аввал қуриладиган обьектнинг лойиҳасини ўрганиш, қурилиш майдонининг ён атрофи ва мавжуд сугурталанадиган мол-мулкни кўрикдан ўтказиш, видео ва фотосуратга тушириш ҳамда Томонлар ўртасида мазкур Шартноманинг 1-иловаси шаклидаги Мониторинг натижаси ва сугурталанган мол-мулкнинг рўйхатини имзолашдан иборат Шартнома бўйича мажбурий жараён.

2.3. Мол-мулк – сугурта муддати мобайнида қурилиш майдонида бўлган, Суғурталанувчи ва буюртмачи ўртасида қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича шартномада кўрсатилган бинолар ва қурилмалар, тугалланмаган қурилиш, ускуналар, машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, қурилиш материаллари.

2.4. Суғурта полиси – сугурта мукофоти Шартномада келишилган муддат(лар) ва миқдорда тўланганлиги натижасида Шартнома тўлиқ кучга кирганигини тасдиқлайдиган хужжат.

2.5. Суғурта пули – Суғурталовчининг сугурта мажбуриятларининг чегарасини англатувчи пул маблағлари миқдори.

2.6. Суғурта қиймати – суғурталанган мол-мулкнинг Шартнома тузилаётгандан Томонлар келишувига кўра белгиланган ҳақиқий қиймати. Мажбуриятни таъминлаш, кам суғурта мукофоти тўлаш ёки бошқа мақсадларда атайлаб камайтирилган суғурта қиймати Шартнома бўйича суғурта қиймати ҳисобланмайди ва бундай ҳолатларда суғурта товонининг микдори тўлов пайтидаги ҳақиқий суғурта қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади.

2.7. Суғурта мукофоти – суғурта учун Шартномада белгиланган тартиб ва муддат(лар)да Суғурталовчига тўланиши шарт бўлган тўлов.

2.8. Суғурта муддати – Суғурталовчининг суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари амалда бўладиган, Суғурта полисида кўрсатилган давр. Суғурта муддати синов муддатини ҳам ўз ичига олади.

2.9. Суғурта товони – суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчи томонидан зарарни қоплаш учун суғурта пулидан ошмаган микдорда тўланадиган пул маблағлари.

2.10. Синов муддати – қурилиш тугагандан кейин уни қурилишга биринчи синов юкламасини бериш, шу жумладан энергия, ёғилғи, хомашё ёки технологик материалларни юклашдан бошланадиган ва синов тугаган санага қадар, лекин энг кўпи билан Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган санагача бўлган муддат.

2.11. Қурилиш кафолати – Суғурта қилдирувчи ва буюртмачи ўртасидаги шартномага муфовик Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта муддатидан кейин қурилиш ва монтаж ишларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мажбуриятини ўз зиммасига олиши.

2.12. Қурилиш кафолати муддати – суғурта муддатидан кейин қурилиш ва монтаж ишларида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш мажбурияти тугайдиган санагача, лекин энг кўпи билан Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган санагача давом этадиган муддат.

2.13. Қурилиш майдони – Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган манзилда жойлашган қурилиш майдони.

2.14. Учинчи шахслар – Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи, Буюртмачи, улар билан аффилланган шахслар ҳамда уларнинг ходимларидан бошқа ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс. Бунда аффилланган шахс бўлиб Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи, Буюртмачининг устав капиталида иштироки бўлган шахс ёки Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи, Буюртмачи акциядор ёки таъсисчи сифатида эгалик қиласиган шахс ҳисобланади.

2.15. Франшиза – зарарнинг суғурта билан қопланмайдиган қисми.

2.16. Регрессли шартсиз франшиза – учинчи шахснинг мол-мулкига зарар етказилганилиги оқибатида Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги юзага келганда Суғурталовчи суғурта пули доирасида учинчи шахсга суғурта товонини тўлангандан кейин Суғурта қилдирувчи франшиза микдоридаги маблағни Суғурталовчига тўлашини назарда тутувчи шартсиз франшиза.

3-БЎЛIM. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Суғурта ҳодисаси бўлиб қуйидаги воқеалар оқибатида Суғурта қилдирувчининг зарар қўриши ҳисобланади:

а) суғурта муддати мобайнида қурилиш майдонидаги суғурталанган мол-мулкка зилзила, ер кўчиши, ёрилиши ёки устки катламининг силжиши, сел келиши, кор ёки тоғ жинсларининг кўчиши, ёғингарчилик (ёмғир, қор, дўл), шамол таъсири, яшин уриши, вулкон отилиши, ёнгин, портлаш, кўшни худуд ёки бинолардаги сантехника ёки бошқа қувур ёки тизимлардан сув чиқиши, кўшни худудда ёнгин содир бўлиши сабабли бино безагини қора курум босиши, кўшни худуддаги қурилиш-монтаж ишларининг жисмоний таъсири, қулф ёки деворлар ёхуд тўсикларни бузиб содир этилган ўғирлик, ерусти, сув, темир йўл, ҳаво транспорт воситалари ёки жисмларнинг урилиши ёки қулаши, босқинчилик, қурилиш

ишлари жараёнида ҳар қандай жисмлар, ускуналар, юк кўтариш ва тушириш техникасининг қулаши оқибатида жисмоний зарар етиши;

б) сұғурта муддати мобайнида учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига қурилиш-монтаж ишлари оқибатида зарар етказилганини учун Сұғурта қилдирувчининг жавобгарлиги юзага келиши, бунда сұғурта муддатида учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғига етказилған зарар сұғурта муддатидан кейин ҳам 6 ой давомида даражаси оғирлашганса, сұғурта ходисаси хисобланади.

в) Сұғурта қилдирувчининг қурилиш кафолати бўйича харажатларининг юзага келиши.

3.2. Қуйидагилар натижасида Шартноманинг 3.1-бандида содир бўлган воқеа сұғурта ходисаси хисобланмайди ва кўрилган зарар Шартнома бўйича қопланмайди:

а) зарар етказган воқеани қурилиш майдонига чиқиб кўриқдан ўтказиш натижасида унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш ёки тўғри тахмин қилиш имконияти бўлмаган тақдирда уни келиб чиқиши сабаби мутасадди ташкилотларнинг (ЙҲҲБ, ЁСҲБ, ИИБ ва б.) хужжатлари билан тасдиқланмаса;

б) Шартнома тузилаётганда мониторинг ўтказилмаган ва Томонлар ўртасида Мониторинг натижаси ва сұғурталанган мол-мулк рўйхати (Шартноманинг 1-иловаси) имзоланмай қолган бўлса;

в) Сұғурта қилдирувчи Сұғурталовчига регресс тартибида талаб қилиш хуқуқини амалга ошириш учун зарур хужжатларни тақдим этишдан бош тортса;

г) Сұғурта қилдирувчининг ишчилари (ходимлари) олдида фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши;

д) тўсатдан содир бўлмаган, узоқ вакт давомида кўрилган ҳар қандай зарар, шу жумладан занглаш, чириш, ҳашоратлар, куртлар, бактериялар, микроорганизмлар кемириши;

е) лойиҳалаштиришда йўл қўйилган камчилик ёки хатолар, техника ёки технологияни нотўғри кўллаш сабабли зарар юзага келиши;

ж) ҳар қандай радиоактив, ядрорий материаллар кўлланилиши ёки уларнинг ташқаридан таъсир этиши оқибатида зарар етиши;

з) асбест, диоксин ёки полихлор бифенолдан зарар етиши;

и) электр ва механик бузилишлар, мойлаш ва совутиш суюқликлари носозлиги, бузилиши, музлаши, нуксонли мой ёки мойлаш ва совутиш суюқликларининг сирқиб чиқиши натижасида зиён етиши;

к) конун хужжатларида кўрсатилган ҳолатлар.

4-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПУЛИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ ВА ФРАНШИЗА

4.1. Шартнома бўйича сұғурта пуллари Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

4.2. Шартнома бўйича сұғурта мукофоти 5568978 сумни ташкил этади.

4.3. Сұғурта мукофоти томонлар Шартномани имзолаганларидан кейин 5 (беш) иш куни ичида яхлит тўланади.

(Сұғурта мукофоти босқичма-босқич тўланадиган бўлса, 5.3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилиниши лозим:

* тўловлар сонини томонлар ўзаро келишиб оладилар.)

4.4. Шартнома бўйича шартсиз франшизалар микдорлари Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

4.5. Барча ўзаро хисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

5-БЎЛИМ. ЗАРАРНИ ҚУРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

5.1. Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган воқеалардан бири содир бўлса, Сұғурта қилдирувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

а) заарни камайтириш ва уни кўпайишини олдини олиш бўйича барча чораларни кўриши;

б) мутасадди ташкилотларга дарҳол хабар бериши;

в) Суғурталовчига дарҳол, лекин 24 соатдан кечиктирмай ҳар қандай услубда хабар бериши.

5.2. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг хабарномасини олгандан кейин 2 соатдан кечиктирмай ўз вакилларини қурилиш майдонига етиб боришини таъминлаши шарт.

5.3. Суғурталовчининг вакиллари қурилиш майдонига боргандан кейин суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ёки бўлмаганлиги тўғрисида хulosса қиладилар.

Суғурталовчининг вакиллари суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисида хulosса қилган тақдирда Суғурталовчининг вакили кўрилган заарни аниклайди. Суғурта қилдирувчи аникланган заар миқдорига рози бўлса, Томонлар Шартноманинг 2-иловаси шаклида Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатномани имзолайдилар.

Суғурталовчининг вакили суғурта ҳодисаси содир бўлмаганлиги тўғрисида хulosса қилган ёхуд аникланган заар миқдорига Суғурта қилдирувчи рози бўлмаган тақдирда Суғурталовчининг вакили Суғурта қилдирувчига Шартноманинг 3-иловаси шаклида суғурта товонини тўлашга асос етарли эмаслиги ҳақида хабарномани тақдим этади.

5.4. Заарни сабаби ва миқдорини аниклаш, ўз вақтида содир бўлган воқеа тўғрисида хабар бериш ёки қурилиш майдонига етиб бориш имконияти бўлмаса, Суғурта қилдирувчи суғурта товонини олиш учун Шартноманинг 4-иловаси шаклидаги ариза билан биргаликда куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

а) мутасадди ташкилотнинг (ИИБ, ФВВ, ЁСХБ, Узгидромет, Сейсмопрогностик мониторинг Республика маркази) суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тасдикловчи ҳужжати;

б) мутасадди ташкилотнинг (баҳоловчи, таъмирловчи ташкилот) кўрилган заар миқдорини тасдикловчи ҳужжати;

в) Шартноманинг 3.1 б) бандида кўрсатилган суғурта ҳодисаси содир бўлган бўлса, учинчи шахсга етказилган заарни тасдикловчи ҳужжатлар (баҳоловчининг хulosаси, даволаш муассасининг маълумотномаси, касаллик тарихидан кўчирма, ТМЭК хulosаси, ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома);

г) Шартноманинг 3.1 в) бандида кўрсатилган суғурта ҳодисаси содир бўлган бўлса, кафолат бўйича амалга оширилган ишларга сарфланган харажатларни тасдикловчи ҳужжатлар.

Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи топширган ҳужжатларга кўра ҳодисаси суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ёки бўлмаганлиги тўғрисида 3 календарь куни ичida хulosса қиласи.

Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлмаганлиги тўғрисида хulosса қилган тақдирда Суғурталовчининг вакили Суғурта қилдирувчига Шартноманинг 3-иловаси шаклида суғурта товонини тўлашга асослар етарли эмаслиги ҳақида хабарномани тақдим этади.

Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлмаганлиги тўғрисида хulosса қилган тақдирда Томонлар Шартноманинг 2-иловаси шаклида Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатномани 3 календарь куни ичida имзолайдилар.

5.5. Суғурта товони Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзоланган пайтдан бошлаб 24 соат ичida пул кўчириш ўйли билан Суғурта қилдирувчининг банк ҳисобварагига ўтказиб берилади.

5.6. Тўланган суғурта товони миқдоридаги, суғурталанган мол-мулкнинг заарларнган қисмларига бўлган мулкдорлик ҳуқуки Суғурталовчига ўтиб, уни берилиши ва қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан расмийлаштирилади.

5.7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Суғурталовчига у тўлаган сұғурта товони миқдорида зарарни етказганликда жавобгар деб топилган шахсдан ушбу маблагни талаб килиш ҳуқуки ўтади. Бунда Суғурта қилдирувчи ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни Суғурталовчига тақдим этиши ва амалларни бажариши шарт.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИНИГ МИҚДОРИ

6.1. Суғурта товони қуйидагича аниқланади:

а) Шартноманинг 3.1 а) бандида кўрсатилган сұғурта ҳодисаси содир бўлса, сұғурта товони қуйидаги аниқланади:

$$DT = (CK / (SP - ACT)) \times 3M + 3X - \Phi$$

Агар $DT \geq SP$ бўлса, $CT = SP$, агар $DT < SP$ бўлса, $CT = DT$.

Бунда DT – дастлабки ҳисобланган товон миқдори, CK – заараланган сұғурталанган мол-мулкнинг сұғурта қиймати; SP – заараланган сұғурталанган мол-мулкнинг сұғурта пули; ACT – сұғурта муддати мобайнида тўланган аввалги сұғурта товони миқдори, агар сұғурта пули қўшимча сұғурта мукофоти тўлаб тикланган бўлса, ACT нолга тенг; $3M$ – қурилиш майдонини кўздан кечиришда аниқланган ёки зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган зарар миқдори; $3X$ – зарар ҳужжатлар асосида аниқланган тақдирда баҳолаш хизмати учун харажат; Φ – шартсиз франшиза миқдори, агар Шартнома бўйича шартли франшиза белгиланган бўлса, зарар миқдори шартли франшизанинг миқдоридан ошганда франшиза кўлланилмайди.

$SP - ACT \leq 0$ бўлса, сұғурта товони аниқланмаган ҳисобланади ва тўланмайди.

б) Шартноманинг 3.1 б) бандида кўрсатилган сұғурта ҳодисаси оқибатида учинчи шахснинг ҳаёти, соғлиғига зарар етса, ҳар бир шахс учун сұғурта пулининг қуйидаги фоизларида ҳисобланади:

енгил тан жароҳати учун – 10%;

огир тан жароҳати учун – 30%;

II гурух ногиронлиги учун – 50%;

I гурух ногиронлиги ёки ўлим ҳолати учун – 100%.

Сұғурта муддатида олинган жароҳат сұғурта муддатидан кейин ҳам 6 ой давомида даражаси оғирлашганса, оғирлашган зарар учун тўланадиган сұғурта товонидан аввал енгилроқ бўлган зарар учун тўланган сұғурта товони миқдори айриб тўланади.

в) Шартноманинг 3.1 б) банди бўйича учинчи шахснинг мол-мулкига зарар етказилганини оқибатида сұғурта ҳодисаси содир бўлса, сұғурта товони мазкур зарар бўйича белгиланган сұғурта пулидан ошмаган миқдорда учинчи шахсга тўланади ва тўлов амалга оширилгандан сўнг Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига Шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган регрессли франшиза миқдоридаги пул маблагларини 15 (үн беш) иш кунидан кечиктирмай қоплаб бериши шарт;

г) Шартноманинг 3.1 в) банди бўйича сұғурта товони мазкур зарар бўйича белгиланган сұғурта пулидан ошмаган миқдорда ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлардан шартсиз франшизани айриб ташлаган ҳолда тўланади.

6.2. Зарар (формулада – $3M$) миқдори қуйидаги тиклаш харажатларидан ташкил топади:

а) таъмиrlаш (тиклаш) учун материалларга эҳтиёт қисмларга харажатлар;

б) таъмиrlаш ишларининг ҳақини тўлаш харажатлари;

в) сұғурталанган мол-мулкни унинг сұғурта ҳодисасидан олдинги ҳолатигача тиклаш учун зарур бўлган материалларни таъмиrlаш жойига етказиб бериш харажатлари;

г) тикловчи ташкилот ҳужжатларга мувофиқ қўшимча қиймат солиги тўловчиси бўлса, қўшимча қиймат солиги.

6.3. Суғурталовчининг суғурталанган мол-мулкни ёки унинг қисмини алмаштириш йўли билан қоплаш ҳукуки бор. Агар Суғурталовчи суғурталанган мол-мулкни ёки унинг қисмини алмаштириш йўли билан қоплашга қарор килса, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчини ўз хисобидан барча режалар, таснифлар, ўлчовлар ва Суғурталовчи талаб қилиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар билан таъминлаши шарт.

6.4. Шартномада қурилишни молиялаштирган Наф оловучи иштирок этса, суғурта товони Суғурта қилдирувчининг қарзи микдорида Наф оловучига ва суғурта товонининг колган қисми Суғурта қилдирувчига тўланади.

6.5. Агар зарар тўлалигича зарар етишида жавобгар бўлган шахс ёки бошқа ҳар қандай учинчи шахс томонидан қопланса, Суғурта қилдирувчи (Наф оловучи) суғурта товонини олишга ҳақли эмас. Бунда зарар қисман ёки тўланиши лозим бўлган суғурта товонидан кам микдорда қопланса, суғурта товони Суғурта қилдирувчи (Наф оловучи) аввал олган қопламалар чегирилган ҳолда тўланади.

6.6. Суғурталовчи зарарни қоплаш учун амалга оширган ҳар бир тўлов суғурта пули микдорини ушбу тўлов микдорида камайтиради. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчи томонидан хисобланган микдорда қўшимча суғурта мукофоти тўласа, Суғурталовчи мажбуриятлари Шартномада кўрсатилган суғурта пули микдорида тикланади.

7-БЎЛIM. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА МУДДАТИ

7.1. Шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради. Суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми ўз вактида тўланган тақдирда Суғурталовчининг Шартнома бўйича мажбуриятлари 2021йил «17» майдан бошланади ва 2022йил «16» майгача амал қиласди.

7.2. Суғурталовчининг суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товонини тўлаш мажбурияти суғурта мукофоти Суғурталовчининг банк хисобварағига келиб тушган пайтдан бошлаб кучга киради.

7.3. Суғурта полиси суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўлангандан сўнг 3 (уч) иш куни ичida тўланган суғурта мукофотига мутаносиб муддат учун берилади.

7.4. Суғурта полиси йўқолганда Суғурталовчи унинг дубликатини Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси асосида беради. Бунда йўқолган Суғурта полиси ўз юридик кучини йўқотади ва йўқолган Суғурта полиси бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

8-БЎЛIM. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Суғурта қилдирувчи/Наф оловчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурталовчи билан келишган ҳолда Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

б) Шартнома бўйича маслаҳатлар олиш;

в) Суғурта полиси йўқолганда унинг дубликатини олиш;

г) қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларини амалга ошириш.

8.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

а) Шартномада белгиланган тартиб ва муддатда суғурта мукофотини тўлаш;

б) суғурталанган мол-мулкни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда саклаши, назоратчи идоралар талабларининг бажарилишини таъминлаши, мол-мулқдан фойдаланиш қоидаларига, шу жумладан капитал ва жорий таъмирлашнинг белгиланган меъёrlарига амал қилиш;

в) ишлаб чиқарувчининг суғурталанган мол-мулкни саклаш, ишга тушириш ва ундан фойдаланишга оид қоидаларига (кўлланмаларига, эслатмаларига) қатъий риоя қилиш;

г) Шартномани тузайтганда Суғурталовчига хабар қилинган маълумотлар, шу жумладан у турган жой ўзгарганлиги хақида зудлик билан хабар бериш;

д) суғурта ҳодисасининг олдини олиш учун унга боғлиқ барча чораларни амалга

ошириш;

е) Сугурталовчи томонидан даъвонинг кўриб чиқилишига ва регресс талаби ҳукуки амалга оширилишига рози бўлиш;

ж) Сугурталовчидан Шартнома амал қилиши даврида олинган ахборотни ошкор қилмаслиги, Сугурта қилдирувчи ва (ёки) Наф олувчи ахборотни давлат идораларига Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ бериши шарт бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

8.3. Сугурталовчининг ҳукуклари:

а) сугурта ҳодисаси рўй бериши эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган унинг олдини олиш чораларини кўриш;

б) сугурта ҳодисаси содир бўлиши таваккалчилик даражасини тавсифловчи қўшимча хужжатларни талаб қилиши;

Шартнома амалда бўлган даврда қалтислик даражаси ўзгарса, шарт-шароитдан келиб чиқиб сугурта мукофотининг миқдори оширилиши ёки камайтирилиши мумкин;

в) Сугурта қилдирувчи ва (ёки) Наф олувчи тақдим этган ахборотни ҳамда Сугурта қилдирувчи Шартнома шартларига амал қилишини текшириш;

г) қонун хужжатларига биноан бошқа ҳукуқларни амалга ошириш.

8.4. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

а) сугурта полисини Шартномада кўрсатилган муддатда бериш;

б) барча зарур хужжатларни олиб, воқеани сугурта ҳодисаси деб тан олгандан сўнг Шартномада келишилган миқдор ва муддатда сугурта товонини амалга ошириш;

в) Сугурта қилдирувчининг сўровномасига кўра Шартнома бўйича унга маслаҳатлар бериш;

г) Сугурта қилдирувчи/Наф олувчидан Шартнома амал қилиши даврида олинган ахборотни ошкор қилмаслиги, Сугурталовчи ахборотни давлат идораларига Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно;

д) агар Шартномага мувофиқ сугурта пули Шартнома тузилган санада белгиланган сугурта қийматидан паст миқдорда белгиланган бўлса, Сугурталовчи сугурта ҳодисаси содир бўлганда заарларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддасига мувофиқ сугурта пулининг сугурта қийматига бўлган нисбатга мутаносиб равишда коплаши шарт.

9-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ТЎХТАТИЛИШИ

9.1. Шартнома муддатидан аввал Сугурта қилдирувчи ва Наф олувчининг ёзма аризасига биноан бекор қилиниши мўлжалланган санадан камида 30 (үттиз) кун олдин хабар бериш шарти билан бекор қилиниши мумкин.

9.2. Сугурталовчи ўз мажбуриятларини бузганлиги муносабати билан Сугурта қилдирувчи ва (ёки) Наф олувчи Шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилса ва аввал Сугурта қилдирувчи ва (ёки) Наф олувчига сугурта товони тўланмаган бўлса, тўланган сугурта мукофоти қайтарилиши лозим. Мажбуриятлар бузилмаган тақдирда қолган сугурта мукофоти сугурта муддати учун хисобланган сугурта мукофотидан ўтган сугурта муддатига мутаносиб сугурта мукофотининг 25 фойзини чегириб қолган ҳолда қайтарилади.

9.3. Сугурта қилдирувчи ўз мажбуриятларини бузганлиги сабабли Сугурталовчи Шартномани муддатидан аввал бекор қилишни талаб қилса, тўланган сугурта мукофоти қайтарилмайди.

9.4. Шартнома қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) муддати тামом бўлганда;

б) Сугурталовчининг Сугурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилганда;

в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

10-БҮЛЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

10.2. Агар томонларнинг Шартнома бўйича мажбуриятларини бажара олмасликларига енгib бўлмайдиган куч (форс-мажор) сабаб бўлса, Томонлар жавобгарликдан озод бўладилар. Енгib бўлмайдиган куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни ана шундай ҳолат юзага келгани ва унинг таъсири қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида зудлик билан хабардор килиши шарт.

11-БҮЛЛИМ. БАҲСЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

11.1. Шартномада назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича баҳслар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда Томонлар уларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш чораларини қўрадилар, ҳал қилишнинг имкони бўлмагандага улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

12-БҮЛЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

12.1. Шартномага киритиладиган барча қўшимчалар ва ўзгартиришлар, шунингдек унинг муддатини узайтириш ҳамда тўхтатиш ёзма равишда амалга оширилиши шарт.

12.3. Томонларнинг Шартномада баён этилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тартиба солинади.

12.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга, томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан сакланадиган 2 (икки) нусхада тузилди.

13-БҮЛЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

СУФУРТАЛОВЧИ
“TRUST-INSURANCE” МЧЖ СК

Андижон вилоят

филиали директори

Манзил: Андижон шаҳар, Истиқлол
куча

тел.: факс:
Х.р. 20216000405187595010
Уз Миллий банк Андижон филиали
Банк коди: 00074
СТИР: 307184423

СУФУРТА ҚИЛДИРУВЧИ

Хасимийдин Ҳасимов куршидий
МЧЖ

Манзил: Ҳасимотеев шаҳри
Гумисони Ҳадир

тел.: 99 890 7804 факс:
Х.р. 20203 000000872086001

Банк коди: 00686
СТИР: 305453588

Директор

З.Хурбоева



Директор

М.У.



2021 й. «27» 12 даги
 03/08-09-13-16/00242-сон

Курилиш-монтаж ишларини сугурта қилиш
 шартномасига (24 соатда түлов)
 1-ИЛОВА

МОНИТОРИНГ НАТИЖАСИ ВА СУГУРТАЛАНГАН МОЛ-МУЛКНИНГ РҮЙХАТИ

1	Сугурта қилдирувчининг манзили	<i>Хикимчичең жаңкүр көрсөншілек худуди бар бүгисимбектеги жыныбын түркіт. Денесем муримчелд тоз шешүши</i>					
2	Сугурталанган мол-мулк жойлашган манзил (Курилиш майдони)	<i>Дана биржасында жаңынан Айнан жаңынан шундай ишоре нра 08</i>					
3	Наф олувчининг номи	<i>Дана биржасында жаңынан Айнан жаңынан шундай ишоре нра 08</i>					
4	Наф олувчининг манзили ва у билан боғланиш учун телефон рақамлари	<i>Дана биржасында жаңынан Айнан жаңынан шундай ишоре нра 08</i>					
5	Курилиш майдонида кузатув видео камералар мавжудлиги	<input type="checkbox"/> мавжуд эмас	<input type="checkbox"/> мавжуд, видео ёзувлар <u> </u> кун/доимий сакланади. камералар сони <u> </u> та, шундан <u> </u> таси ишлайди.				
6	Курилиш майдонида видео камералар суратга ола олмайдиган (күр) худудлар мавжудлиги	<input type="checkbox"/> мавжуд эмас, камералар худудни түлиқ камраб олган; <input type="checkbox"/> мавжуд, лекин мол-мулк камерага түлиқ тушади; <input type="checkbox"/> мол-мулк камерага тушмайдиган худудлар мавжуд.					
7	Курилиш майдонида кўриқчилар ёки қоровуллар мавжудлиги	<input type="checkbox"/> мавжуд эмас	<input type="checkbox"/> мавжуд Кўриқчилар сони <u> </u> та.				
8	Курилиш майдонида ўт ўчириш мосламалари мавжудлиги	<input type="checkbox"/> мавжуд эмас	<input type="checkbox"/> мавжуд	Спринклерлар <u> </u> та, шундан <u> </u> таси ишлайди. Гидрантлар <u> </u> та, шундан <u> </u> таси ишлайди. Тутун датчилари <u> </u> та, шундан <u> </u> таси ишлайди.			
9	Курилиш майдонига энг яқин ўт ўчириш хизмати	<u> </u> км масофада жойлашган.					
10	Охириг беш йилда мол-мулкка етган заарлар миқдори ва сабаби	20 <u> </u> й. 20 <u> </u> й. 20 <u> </u> й. 20 <u> </u> й. 20 <u> </u> й.					
11	Курилиш кафолати муддати	365 кун.					
12	Сугурталанган мол-мулкнинг рўйхати						
№	Мол-мулкнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Сугурта қиймати	Сугурта пули		
1							
13	Мол-мулк бўйича сугурта мукофоти	ЖАМИ:					
14	Сугурталанган мол-мулк бўйича шартсиз франшиза	сугурта пулининг 0%.					
15	Учинчи шахслар олдидағи жавобгарлик бўйича	хар бир шахснинг ҳаёти, соғлиғига етказилган зарар учун сугурта пули – <u> </u> сўм.					

		ҳар бир шахснинг мол-мулкига етказилган заарар учун сугурта пули – <u>134030568</u> сўм. регрессли шартсиз франшиза – сугурта пулининг <u>%</u> . сугурта мукофоти – _____ сўм.
16	Курилиш кафолати бўйича	сугурта пули – <u>1392244626</u> сўм. шартсиз франшиза – сугурта пулининг <u>%</u> . сугурта мукофоти – <u>58683708</u> сўм.
17	Курилиш майдони атрофидаги объектлар номи ва мол-мулкдан уларгача бўлган масофа	

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:



3 Хурбосева

